

ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ҚАРШИ

**ЖАЗО ЧОРАЛАРИ
КУЧАЙТИРИЛМОҚДА**



UNFCCC

**томонидан
ОНУВ 3.0 учун
эътироф**



ЖАММИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 13 (983)
2026 йил
23 апрель,
Пайшанба

МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК САММИТДА БИР ҚАТОР АНИҚ ТАКЛИФЛАР КИРИТИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Остонадаги Минтақавий экологик саммитда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари нутқини Минтақавий экологик саммитни ўтказиш борасидаги ташаббуси ҳамда уни юксак даражада ташкил этгани ва анъанавий илик меҳмондўстлик учун Қозоғистон президентига алоҳида миннатдорлик сўзлари билан бошлади.

«Ўзбекистон саммитнинг экологик хавф-хатарларнинг ўзаро чуқур боғлиқлиги ва уларни биргаликда ҳал қилиш зарурлигини ифода этадиган «Барқарор келажак учун умумий нигоҳ» деган бош ғоясини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Бугунги учрашув ўтган йили Самарқанд иқлим форумида бошланган мулоқотнинг манتيқий давомидир. Қувонарлигини шундаки, Марказий Осиё давлатларининг экологик дипломатияси тизимли ва изчил тус олиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда», — деди Шавкат Мирзиёев.

Таъкидланишича, бугунги кунда экологик муаммоларни глобал иқлим ўзгаришларидан айри ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди.

Глобал исиш суръатларининг тезлашиши давом этмоқда, Марказий Осиё минтақасида эса ҳарорат икки баробар тезроқ кўтарилмоқда. Минтақа музликларининг қарийб учдан бир қисми йўқолди, ёғингарчилик тартибининг беқарорлиги кузатилмоқда, сув ресурслари танқислиги ортиб бормоқда. Ер майдонларининг 80 миллион гектари аллақачон деградацияга учради.

Глобал экологик бирдамлик заифлашаётгани чуқур хавотир уйғотмоқда. Декларациялар ва даъватлар ресурслар билан мустаҳкамланмапти. Глобал иқлим ўзгаришига энг кам таъсир кўрсатётган мамлакатлар унинг оқибатлари билан яна яқкаю ёлғиз қолмоқда.

Халқаро ҳамжиҳатлик, энг аввало, ривожланаётган мамлакатларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ молиялаштириш, илғор технологиялар ва инновациялардан ўз вақтида, адолатли ва тўсиксиз фойдаланиш имконияти билан таъминланишида намоён бўлиши лозим деб қатъий ишонамиз.

«Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Марказий Осиё давлатлари атропоф-мухитни муҳофаза қилиш масалаларини минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим устувор йўналиши даражасига кўтаришга муваффақ бўлди. «Марказий Осиё учун яшил кун тартиби»

минтақавий дастури, Иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича минтақавий стратегия ҳамда Барқарор ривожланиш учун атропоф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий дастур бундай шерикликка мисол бўла олади», — деди Ўзбекистон президенти.

Бугунги форумда «Марказий Осиё экологик бирдамлиги» декларацияси, шунингдек, БМТ тузилмалари билан яқин шерикликда амалга оширилаётган, 2030 йилгача мўлжалланган Ҳаракатлар дастурининг қабул қилиниши умумий ишга муҳим ҳисса бўлиб кўшилади.

Ўзбекистон экологик барқарорликни шакллантириш бўйича аниқ мақсадли ва тизимли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

«Яшил макон» лойиҳаси доирасида қарийб 1 миллиард туп дарахт ва бута экилди. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ майдонда ўрмонзорлар барпо этилиб, янги «яшил белбоғ»лар яратилмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг «Ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги» резолюцияси қабул қилинди.

Сувни тежаш борасидаги кенг қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги» резолюцияси қабул қилинди. Сувни тежаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги» резолюцияси қабул қилинди. Сувни тежаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги» резолюцияси қабул қилинди. Сувни тежаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги» резолюцияси қабул қилинди.

Чикиндилардан энергия ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда. Жорий йилда чикиндиларни ёқиш бўйича иккита янги завод ишга туширилади, яна 9 таси эса келгуси икки йил давомида фаолиятини бошлайди. Уларнинг ишга туширилиши ҳар йили 5,5 миллион тонна чикиндини утилизация қилиш, 2,2 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, чикиндилар ҳажмини 1 миллион тоннадан ортиққа қисқартириш имконини беради.

Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари иқлим ва экология муам-

моларига қарши ҳамкорликда ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлаб, бир қатор аниқ таклифларни илгари сурди:

«Биринчи. Атмосфера ҳавосининг сифати ёмонлашаётган шароитда «Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси» давлатлараро консорциумини таъсис этиш минтақа аҳолиси саломатлигини ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлади деб ҳисоблайман.

Консорциум саноатни модернизация қилиб, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар учун тозалаш тизимларини жорий этадиган «яшил» молиялаштиришнинг кўшма операторига айланиши мумкин.

Иккинчи. Ўзбекистондаги Яшил университети хузурида фаолият юритаётган Чўлланишга қарши курашиш, курғоқчиликнинг олдини олиш ҳамда қум ва чанг бўронлари ҳақида барвақт огоҳлантириш марказига минтақавий мақом беришни таклиф этаман.

Марказ базасида илмий салоҳиятни бирлаштириш ерларнинг деградацияси ҳамда туз ва чангли бўронларни мониторинг қилиш бўйича кучли тизимни яратиш имконини беради.

Учинчи. Технологик ўтиш жараёнларини тезлаштириш учун «Марказий Осиё яшил савдо йўлаги»ни шакллантиришни таклиф этаман.

Имтиёзли божхона тартибларини жорий этиш ва экомасхулотлар учун сертификатларни ўзаро тан олиш ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш ва махсулотларимизнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Тўртинчи. Марказий Осиё иқлим лойиҳаларининг ягона инвестиция портфелини яратиш кейинги қадам бўлиши керак.

Бу бизга тарқоқ ташаббуслар билан эмас, балки минтақани ривожлантириш бўйича яхлит стратегия билан ҳаракат қилиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, уни амалга ошириш учун шерикларимизда қизиқишни кучайтиради.

Бешинчи. Марказий Осиё атропоф-мухитидаги ўзгаришларнинг ягона минтақавий атласини яратиш ҳам минтақамиз келажиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Аминманки, бу атлас минтақадаги чўлланиш, тупроқ деградацияси жараёнлари ва сув ресурслари ҳолати динамикасини яққол ифода этадиган

фундаментал илмий-таҳлилий базага айланади.

Олтинчи. Биологик хилма-хилликни сақлаш учун «Марказий Осиё Қизил китоби»ни биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Тошкентдаги минтақавий офиси бу ишда мувофиқлаштирувчи бўлиши мумкин.

Минтақа «Қизил китоб»и йўқолиб бораётган турларнинг шунчаки рўйхатидан иборат бўлиб қолмасдан, соҳада ҳамкорликдаги ишимиз учун амалий платформага айланиши лозим.

Еттинчи. Иқлим кун тартиби ва экологик маданиятни илгари суриш учун экологик таълим ва ёшларни фаол жалб этиш жуда муҳим. Шу мақсадда Боқуда бўлиб ўтган COP-29 анжумани давомида мамлакатларимиз ёшлари иштирокида Экология бўйича маслаҳат кўмитаси тузилган эди. Ушбу кўмита платформасида 2027 йилда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказишни таклиф этаман.

Саккизинчи. Экологик кун тартибини илгари суриш доирасида шу йилнинг 31 май – 5 июн кунлари Самарқандда Глобал экологик фонднинг саккизинчи ассамблеяси, сентябрь ойи охирида эса Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форуми бўлиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари барчани ушбу халқаро анжуманларда фаол иштирок этишга таклиф этди.

Замонавий экологик таҳдидлар мамлакатларимиз барқарорлигини синовдан ўтказмоқда.

Бугун қабул қилинаётган ҳужжатларнинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши бизга нафақат табиатдаги кучайиб бораётган хавф-хатарларга самарали мослашиш, балки уларни технологик янгилиниш, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликнинг кучли омилига айлантириш имконини беради.

Ишончим комил, кўп асрлик яхши кўшничлик анъаналарига таянган ва қатъий сиёсий иродамизни намоён этган ҳолда, биз Марказий Осиёни экологик фаровонлик ва барқарор ривожланиш маконига айлантираемиз, дея сўзини яқунлади Президент Шавкат Мирзиёев.

Наврўзбек ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



UNFCCC томонидан ОНУВ 3.0 учун эътироф

БМТ Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси (UNFCCC) Ижрочи котиби Симон Стиэлл Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига янгиланган Миллий миқёсда белгиланган ҳиссаларни (ОНУВ 3.0) тақдим этгани учун миннатдорлик мактуби йўллади.

Маълумот учун, Ўзбекистон иқлим бўйича Париж келишуви доирасида Учинчи Миллий даражада белгиланган ҳисса (ОНУВ 3.0) ни ишлаб чиқиб, 2025-йил ноябрь ойида COP 30 — БМТ Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси томонларининг 30-конференциясида (Бразилиянинг Белен шаҳрида) расман тақдим этган эди.

Миллий шароит ва имкониятлардан келиб чиқиб, мамлакат 2035-йилга бориб ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газлари ташламаларини 2010-йил даражасига нисбатан 50 фоизга камайтириш мажбуриятини олди.

Мурожаатда ОНУВ 3.0 мамлакатнинг иқлим бўйича амбициялари ошганини акс эттириши таъкидланган. Шунингдек, кенг тармоқлар камрови, 2055-йилга бориб

углерод нейтраллигига эришишга йўналтирилгани ҳамда Глобал якуний баҳолаш натижалари инobatга олингани қайд этилган. COP30 Белен қарорлари эса ташламаларни камайтириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларни кучайтириши алоҳида таъкидланган.

Симон Стиэлл UNFCCC Котибияти Ўзбекистон Республикасига ОНУВ 3.0 да белгиланган мақсадларга эришишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни давом эттиришга тайёрлигини тасдиқлади.

Ўз навбатида Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳам иссиқхона газлари ташламаларини камайтириш, иқлимга чидамликни ошириш ва барқарор ривожланишга қаратилган иқлим сиёсатини халқаро шериклар билан фаол давом эттириш ниятини билдирди.

ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ ва ЭКОЭТИКА

табиатни асрашнинг икки асосий йўли

Бугунги кунда экологик муаммолар дунё миқёсида энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳаво ифлосланиши, ўрмонларнинг қисқариши, сув танқислиги ва иқлим ўзгариши инсониятга бевосита таъсир қилмоқда. Таассуф шундаки, бу каби табиат билан боғлиқ муаммолар сони ортмоқда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун давлат органлари мунтазам равишда ҳаракат қилмоқда, бироқ бунда инсоннинг табиатга бўлган муносабати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айнан шунинг учун экология ҳуқуқи билан бир қаторда экоэтика тушунчаси ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Экология ҳуқуқи нима?

Экология ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимида алоҳида йўналиш ва хусусиятларга эга бўлган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади. У табиат ва жамият ўртасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий томонлама тартибга солишни ўрганувчи фандир. “Экология” сўзининг ўзи эса юнон тилидан олинган бўлиб, “оикос” – яшаш жойи, “логос” – таълимот маъносини англатади. Экология ҳуқуқи атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш жараёнида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ўрганади.

Экоэтика нима?

Экоэтика бу инсоннинг табиатга нисбатан ахлоқий муносабати, яъни табиатни асрашга бўлган ички масъулияти ва бурчи ҳисобланади. Экоэтика табиат ва инсон ўртасидаги ахлоқий муносабатларнинг тизимли ва кенг қамровли


концепциясини тақлиф қилади ва ҳимоя қилади. Бу тушунча инсоннинг табиатга нисбатан хатти-ҳаракати ахлоқий нормалардан четга чиқмаслиги кераклигини илгари сўради. Экологик этиканинг асосчилари немис шифокори Алберт Швайтсер ва америкалик эколог Алдо Леополд ҳисобланади. Экоэтика амалий фан сифатида бир вақтнинг ўзида амалий ҳаракатлар ва назариядир.

Экология ҳуқуқи мажбурий ва қонуний тизим ҳисобланса, экоэтика инсоннинг ички маданияти ва виждони билан боғлиқ. Табиатни асрашда фақат қонунлардан фойдаланиш инсонларни жавобгарликдан қўриқиб орқали табиатни асрашга ундайди. Лекин ҳар бир инсон англаши керак бўлган ҳақиқат шуки, табиат қандай ҳолатда бўлса инсоннинг ҳаётига шундай таъсир

ўтказди. Шу сабабли уни асрашга бўлган ҳаракатлар қўрқув асосида эмас, шахсий ташаббуслар орқали бўлиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, агар экология ҳуқуқи “қонун нима дейди?” деган саволга жавоб берса, яъни қонуний томонларини ҳал қилса, экоэтика “инсон нима қилиши керак?” деган саволга жавоб беради ва бу икки усул ва уларни бирлаштириш орқали табиатни асрашни нафақат мажбурият, балки ҳаёт тарзига айлантиришимиз лозим. Бу эса энг самарали йўл бўлиши мумкин.

Эъзоза СОБИРЖОНОВА,
Тошкент давлат
юримдик
университети
талабаси





ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА

ҚАРШИ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш, экологик хавфсизликни кучайтириш мақсадида ҳуқуқбузарликларга қарши жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Бу “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунда алоҳида белгилаб қўйилди.

Биринчидан, чиқиндилар билан ишлаш соҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига ўзгартириш киритилмоқда ва янги модда қўшилмоқда. Унга кўра, саноат, қурилиш, маиший ва бошқа турдаги чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жарима миқдори фуқароларга нисбатан 2 бараварга, мансабдор шахсларга нисбатан эса 4–5 бараварга оширилади.

Шунингдек, МЖТКга янги 91(4)-модда қўшилиб, чиқиндилар тўплаш майдончаларидан ва уларнинг қўриқланмайдиган (модулли) иншоотларидан қайта ишланадиган тоифага мансуб чиқиндиларни қонунга хилоф равишда тўплаш ва олиб чиқиб кетиш учун жавобгарлик (1,2 миллион сўмгача жарима) белгиланмоқда.

Иккинчидан, дарёларнинг ўзани тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш, сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сув тўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режими бузиш, шунингдек, сув объектига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузганлик учун жарима миқдори фуқароларга икки баравар, мансабдор шахсларга 4–5 баравар оширилмоқда.

Учинчидан, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузиш, ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш, ўрмонларда

ёнғин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун жазо чоралари оширилмоқда. Шунингдек, МЖТКга янги 77(1)-модда қўшилиб, қонунга хилоф равишда ўрмон фонди ерларини бериш ва уларда бино-иншоотлар қуриш учун фуқароларга максимум 41,2 миллион сўмгача, мансабдор шахсларга эса 82,4 миллион сўмгача жарима белгиланмоқда.

Қолаверса, Жиноят кодексига янги модда, яъни 198(1)-модда қўшилди (қонунга хилоф равишда ўрмон фонди ерларини бериш ёхуд ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, максимум 164,8 миллион сўмгача жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш).

Бундан ташқари, ўрмон фонди ерларида қонунга хилоф равишда бино-иншоотлар қуриш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, максимум 206 миллион сўмгача жарима ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, ўсимликлар ва ҳайвонларга шикаст етказиш, нобуд қилиш, атмосфера ҳавосини ифлослантириш каби ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Шунингдек, қуйидагилар ҳам кўзда тутилмоқда:

▶ махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда;

▶ атроф-муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига маълумотларни киритмаганлик, тўлиқ киритмаганлик ёки нотўғри маълумот киритганлик учун атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг И ва ИИ тоифаларига мансуб фаолият турлари билан шуғулланувчи юридик шахсларга нисбатан максимум 123,6

миллион сўмгача миқдорда жарима тарзида молиявий санкция қўлланилади;

▶ кўп квартирали уйга туташ тупроқли ва (ёки) яшил қопламали ер участкасини ўзбошимчалик билан бетонлаштириш, шунингдек ушбу ер участкасига қурилма ёки конструкциялар ўрнатганлик учун фуқароларга жарима 4,1 миллион сўм, мансабдор шахсларга эса 8,2 миллион сўм жарима белгиланмоқда;

▶ ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, жарима миқдори 2,5 бараварга

(максимум жарима 82,4 миллиондан 206 миллион сўмгача) ҳамда мажбурий жамоат ишлари максимум 360 соатдан 480 соатга оширилмоқда;

▶ ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, жарима миқдори 3 бараварга (максимум жарима 41,2 миллиондан 123,6 миллион сўмгача), мажбурий жамоат ишлари

максимум 360 соатдан 480 соатга ва озодликни чеклаш максимум 3 йилдан 5 йилга оширилмоқда.





ЭКОЛОГИК ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

барқарор ривожланиш омили

Технологик тараққиёт ва урбанизация жараёнлари жадаллашган сари табиатга бўлган босим ортмоқда. Натижада ҳаво ифлосланиши, сув танқислиги ва чиқиндилар муаммоси инсон саломатлигига жиддий хавф туғдирмоқда. Шундай шароитда экологик маданиятни шакллантириш ва уни ҳаёт тарзига айлантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида ҳар бир инсон кулай атроф-муҳитда яшаш ва унинг ҳолати ҳақида ишончли ахборот олиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамланган. Бу норма экологик тоза муҳит — бу оддий

истак эмас, балки ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, давлат зиммасига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш ва фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш мажбурияти юклатилган.

Аммо экологик муҳитни сақлаш фақат давлатнинг вазифаси эмас.

Конституциянинг 62-моддасига мувофиқ, фуқаролар ҳам атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Демак, экологик маданият — бу ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётидаги масъулиятли танловидир.

Айниқса, чиқиндилар билан боғлиқ муаммо бугунги кунда энг кескин масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунига кўра, фуқаро-

ролар чиқиндиларни тўғри бошқариш, санитария қоидаларига риоя қилиш ва махсус хизматлардан фойдаланиш мажбуриятига эга. Шу билан бирга, улар чиқиндилар билан боғлиқ объектлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Бу эса фуқароларнинг нафақат мажбурият, балки фаол иштирокчи эканини англатади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, ривожланган давлатларда экологик маданият аллақачон кундалик ҳаёт меъёрига айланган. Масалан, Германия ва Япония каби давлатларда чиқиндилар қатъий тартиб асосида ажратилади: пластик, қоғоз, шиша ва органик. Бу тизим атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан биргалликда иқтисодий жиҳатдан ҳам самарали натижалар беради. Энг муҳими, бу тартиб аҳолининг юқори экологик онгига асосланган.

Қувонарлиси шундаки, бундай ёндашувлар юртимизда ҳам аста-секин ривожланиб бормоқда. Сўнгги йилларда чиқиндиларни ажратиб йиғиш тизимини жорий этиш, қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш ва аҳолининг экологик онгини оширишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Айрим ҳудудларда алоҳида чиқинди контейнерлари ўрнатилаётгани, экологик акциялар ва тарғибот ишлари йўлга қўйила-

ётгани бунинг яққол мисолидир. Бу жараён ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлса-да, жамиятда экологик маданиятнинг аста-секин қарор топаётганидан далолат беради.

Тиббий кузатувлар шуни кўрсатадики, ифлосланган муҳитда яшаш нафас йўллари касалликлари, аллергия ва юрак-қон томир касалликлари хавфини оширади. Демак, экологик тоза муҳит — бу нафақат гўзал табиат, балки соғлом ҳаётнинг асосидир.

Бу борада ёшларнинг ҳам ўрни бекиёс. Ёш қатлам жамиятнинг энг фаол ва экологик маданиятни тарғиб қилишда муҳим рол ўйнайдиган қисмидир. Ёшлар чиқиндиларни ажратиш, экологик акцияларда қатнашиш ва бошқаларга ўрнак бўлиш орқали жамиятда ижобий ўзгаришларни бошлаб бериши мумкин.

Умуман олганда, экологик маданиятни шакллантириш — бу узок муддатли, аммо зарур жараён. Қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётида амалда қўлланилгандагина ўз самарасини беради. Атроф-муҳитни асраш — бу бугунги кун талаби, келажак олдидаги масъулиятдир.

Чаросхон НЕЪМАТОВА,
Тошкент давлат юридик
университети талабаси



«Табиат болалар нигоҳида» республика расмлар танлови ўтказилади

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Касбий таълим агентлиги билан ҳамкорликда “Табиат болалар нигоҳида” республика расмлар танловини эълон қилади.

Танловда давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим ҳамда рассомлик ва дизайнга ихтисослаштирилган мактабларнинг 5-7, 8-10, 11-13 ва 14-16 ёшдаги ўқувчилари иштирок этиши мумкин.

Танлов болалар ва ёшларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларда бадиий эстетик диднишакллантириш, табиатга бўлган меҳр-муҳаббатни ошириш ва экологик маданиятни юксалти-

риш, болаларни атроф-муҳитни асраш, уни гўзаллик билан идрок этиш ҳамда табиат билан уйғун яшашга ўргатиш, ёш рассомларнинг истеъдодини кашф этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилмоқда.

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ўртасида республика босқичи жорий йилнинг 21-апрель куни, рассомлик ва дизайнга ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари ўртасида республика босқичи 7-май куни ташкил этилади. Умумий ўрта таълим мактаблар ўқувчилари ўртасида ҳудудий босқичлар эса 1-майга қадар бўлиб ўтади.

Танловда ғолиб бўлган иштирокчиларнинг ишлари GEFнинг VIII Ассамблеяси ва “Есо Ехго Central Asia 2026” халқаро кўرғазмаси доирасидаги кўрғазмага жойлаштирилади.





«ҲАММАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИНГИЗ. КАТТА РАҲМАТ!»



Кўксарой қароргоҳида “Ялла” ансамблининг асосчиси, суюкли санъаткоримиз Фаррух Зокировнинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган тадбир ва унда давлатимиз раҳбарининг Зокировлар ҳақидаги самимиятга йўғрилган гапларини эшитиб, бениҳоя таъсирландим. Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокиров ва у кишининг фарзандлари ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Жумладан, ноёб иқтидор соҳиби, жаҳон миқёсидаги улуғ санъаткор Ботир Зокировни шу кунларда эслаш алоҳида аҳамиятга эга деб ўйлайман.

қалбан ҳис этилиб, дардли овоз орқали самимий ва ёрқин ифодасини топган.

Кўшиқ туғилишидан тортиб, то сахнага тақдим этилишига қадар, грампластинка ёки магнит тасмасига ёзиб олингач, унинг талқини бўйича шахсий таҳлил жараёни давом эттирилиб, қиёмига етказиш учун қилинган ҳаракатлар, ўй-фикрлар хонанданинг кундаликларида ҳам муҳрланиб қолган.


1966 йили Парижга қилган ижодий сафари Ботир Зокировни дунёга машҳур қилди. Умрини шон-шухратга буркади. Жаҳон эстрада юлдузлари Эдит Пиаф, Шарль Азнавур, Жак Брель, Ширей Матъе қуйлаган Париждаги “Олимпия” эстрада-театри сахнасига фақат угина икки марта кўтарилиш ва қуйлаш бахтига муяссар бўлди. У машҳур композитор ва кўшиқчи Энрико Массиснинг иккита кўшиғини француз тилида қуйлаб, Парижни лол қолдирди.

Унинг кўшиқларини тинглаган бир қария концертдан сўнг уни тўхтатиб, самимий табриклар: “Сиз ҳақингизда фильм олишганми?.. Афеус! Сизни кечиктирмасдан фильмга олиш керак. Чунки, сиз ҳам ўзбек, ҳам араб, ҳам француз бўлиб қуйладингиз. Ҳаммани лол қолдирдингиз. Талантингиз олдида таъзим қиламан. Катта раҳмат!”, деди таъзим қилиб. Бу машҳур санъаткор Эдит Пиафнинг устози экан.

Ботир Зокиров ижро услуби аввало юксак дид ва бадиий маданияти билан фарқланиб, талқин нуқтаи назаридан тингловчилар эътиборини ўзига қаратади. Хусусан, бу жиҳат, ижро жараёнида асардаги талайгина мусиқий воситаларни ўз ўрнида ишлата билиш маҳоратида кўзга ташланади. Композитор Икром Акбаров таъкидлаганидек: “Ботир Зокиров бўлмаганида, менинг “Раъно”, “Газли”, “Ёр, кел”, “Маҳбубга” каби кў-

шиқларим ҳам бўлмасди. Унинг дилбар хониши орқали ҳар бир кўшиқ ўзгача бўлиб қолди. Унинг вафотидан сўнг мен бошқа кўшиқ ёзмадим. Чунки, унингдек маҳоратли ижрочи, кўшиқ маромига етмагунича ишлашдан чарчамайдиган хонандани бошқа учратмадим”.

Композитор томонидан симфоник оркестр учун қайта ишланган “Эй, сарбон” кўшиғини Ботир Зокиров иккинчи оғир операциядан сўнг ижро этиб, овоз тасмасига туширган:



*Эй, сарбон, оҳиста юр,
оромижоним борадур,
Тандан дилу жоним олиб,
ул дилистоним борадур.
Қолурму мен олис бўлиб,
бечораю маъюс бўлиб,
Қалбим фиروق тиги тилиб,
то устихоним борадур.
Эй, сарбон, оҳиста юр,
оромижоним борадур...*

Маълумки, ушбу кўшиқ кўплаб таниқли хонандалар репертуаридан ўрин олган бўлса-да, Ботир Зокиров ижросида янгича йўналиш, ўзгача талқинда тараннум этилган. Сарбоннинг оҳиста тебраниб кетаётган ҳаракати оркестрда ритм гуруҳининг ўзгача усул-суръати орқали ифодаланади ва асар характерида ўз таъсирини ўтказади. Фигон, хижрон дардини акс эттирувчи

ғамгин ва маъюс оҳанглар хонанда ижросида ёруғ, кўтаринки кайфиятда хиргойи қилинган. Ушбу асар хонанданинг “Олтин фонди”дан ўрин олиб, бетакрор, мафтункор кўшиқлар сарасига айланди.

Ботир Зокиров Ўзбекистон эстрада-симфоник оркестри билан ишлаган пайтида нафақат эстрада жанридаги асарлар, балки таниқли ўзбек композиторларининг қаламига мансуб “мумтоз” кўшиқ ва романсларни ҳам маромига етказиб қуйлаган. Мутал Бурҳоновнинг “Мафтун бўлдим” (номдош фильмдаги) кўшиғи ва “Намедонам, чи ном дорад” романи, Сайфи Жалилнинг “Мажнун монологи”, “Кечалар юлдуз санаб” вокал асарлари шулар жумласидандир.

Хонанданинг репертуаридан ўрин олган турли халқлар кўшиқларининг аксарият қисми асл (хинд, эрон, тожик, араб, украин, итальян, югослав, рус, француз) тилида ижро этилган. Буларнинг барчаси Ботир Зокиров талқинларининг ҳақиқатан байналминал моҳиятидан далолат бериб, хонанданинг нафақат Ўзбекистон, балки умумжаҳон мусиқа маданиятида тутган мавқеини аниқ белгилайди.

Ҳеч бир муболағасиз таъкидлаш зарурки, Ботир Зокиров ўзига хос ижро услуби ва маҳорати билан ўзбек эстрада кўшиқчиликлари мактабига асос солди. Бугун замонавий ўзбек мусиқий эстрадасида ранг-баранг йўналиш ва услублар мавжудлигига қарамай, Ботир Зокировдек етук санъаткорнинг бу соҳадаги дастлабки ютуқлари, мусиқий ижро ва талқин борасида ўз олдига қўйган юқори талаблари ёш эстрада ижодкорлари учун ибрат мактабига айланиб, уларнинг профессионаллигига хизмат қилади.

**Фируза АБДУСАГАТОВА,
Мирзо Улуғбек номидаги
ЎЗМУ Журналистика ва
ўзбек филологияси факультети
катта ўқитувчиси**

Зеро, ўзбек эстрада ижрочилик санъати жаҳон миқёсида муносиб ва бетакрор ўрин топишида Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг улкан ҳиссаси бор. Ижодкор биринчилар қаторида эстрада кўшиқларининг миллий қиёфасини топиш жараёнида эстрада репертуарини шакллантириш, концерт дастурига кирган сара кўшиқлар орқали ўзининг бетакрор йўлини такомиллаштириб боришга ҳаракат қилади. Хонанда йиллар давомида хинд, эрон, озарбайжон, араб, афғон, тожик тилларидаги Шарқ кўшиқларини талқин қилиш баробарида миллий эстрада кўшиғининг қиёфаси, ижро услуби, нола-ю садолари ҳақида бош қотиради.

Ботир Зокиров ижро қилган кўшиқларнинг услуби аввало юксак дид ва бадиий маданияти билан фарқланиб, талқин нуқтаи назаридан тингловчилар эътиборини ўзига ром этди. Хонанда репертуаридан ўрин олган ҳар бир кўшиқ



Бугунги кунда экологик муаммолар нафақат табиат, балки инсон саломатлиги учун ҳам жиддий хавф тугдирмоқда. Айниқса, болалар организми ташқи муҳит таъсирига сезгир бўлгани сабабли экологик омиллар уларнинг соғлиғига бевосита таъсир кўрсатади.

АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ

КЕЛАЖАК АВЛОДНИНГ САЛОМАТЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ДЕМАКДИР



Сўнгги йилларда болалар орасида аллергия касалликлар, жумладан атопик дерматит (АтД) билан касалланиш ҳолатлари сезиларли даражада ошиб бормоқда. Атопик дерматит — бу суррункали, қайталанувчи тери касаллиги бўлиб, кучли қичишиш, терининг қуриши ва яллиғланиши билан намоён бўлади.

Экологик омиллар атопик дерматит ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, sanoat чикиндилари, автомобил газлари, чанг ва аллергенларнинг

кўпайиши болаларда аллергия реакцияларни кучайтиради. Бу эса тери химоя функциясининг бузилишига ва касалликнинг

оғирлашишига олиб келади. Шунингдек, сув ва озиқ-овқат сифати ҳам катта аҳамиятга эга. Таркибида консервантлар, кимёвий қўшимчалар ва зарарли моддалар бўлган маҳсулотлар болаларда аллергия фонни кучайтиради. Натижада атопик дерматит нафақат тез-тез қайталанади, балки оғирроқ кечади.

Атопик дерматит фақат тери касаллиги эмас — у боланинг умумий ҳолатига ҳам таъсир қилади. Доимий қичишиш уйку бузилишига, асабийликка, диққат пасайишига олиб келади. Бу эса

боланинг психоэмоционал ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Педиатрия нуқтаи назаридан, атопик дерматитни фақат дерматологик муаммо сифатида эмас, балки комплекс касаллик сифатида кўриш зарур. Унда экологик омиллар, иммун тизим, психоэмоционал ҳолат ва овқатланиш ўзаро боғлиқ ҳолда иштирок этади.

Болалар саломатлигини сақлаш учун экологик ҳолатни яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳавони тозалаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ва экологик тоза маҳсулотлардан фойдаланиш аллергия касалликлар хавфини камайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, экология ва атопик дерматит ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Соғлом муҳит — соғлом бола гаровидир. Атроф-муҳитни асраш орқали биз келажак авлоднинг соғлигини ҳимоя қиламиз.

Д. АБИДОВА,
Тошкент давлат тиббиёт университети Болалар касалликлари кафедраси ассистенти

ОРТДА ҚОЛГАН ИЗ ЯХШИ

Олимлар – жамиятнинг нурли чироғи, маънавият ва маърифатнинг чинакам посбонларидир. Илм йўлига кириш, ҳақиқатни излаш ва олимлик даражасига етишиш – Яратган томонидан инсонга тақдим этилган энг улуг ва ноёб неъматлардан бири ҳисобланади.

Айниқса, бу машаққатли ва шарафли йўлни ўқитувчилик, устозлик мақоми билан уйғунликда олиб бориш, ёш авлод қалбига илм зиёсини жо этиш муқаддас вазифадир. Ўз ҳаётини эзгу мақсадларга, хусусан, миллий юридик фан ва таълим ривожига бағишлаган заҳматқаш олим, юридик фанлар доктори, профессор Шухрат Файзиев ана шундай зиёлилардан биридир.

Шухрат Ҳасанович мамлакатимизда экология ҳуқуқи соҳасидаги энг кўзга кўринган, йирик ва етакчи ҳуқуқшунос олимлардан бири сифатида илмий мактаб яратган, нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам етук мутахассис сифатида кенг тан олинган устоздир.

Замонавий давлат ҳуқуқий сиёсатида экология ҳуқуқини ривожлантириш – бу шунчаки илмий эҳтиёж эмас, балки миллат генофонди ва жамият ва давлат тараққиётини таъминлашнинг энг устувор, стратегик шарт сифатида намоён бўлмоқда.

Олимнинг илмий тадқиқотлари моҳиятига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг асосий йўналиши давлат экологик сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш каби ўта муҳим масалаларни камраб олганини кўриш мумкин.

Профессор Ш.Файзиевнинг миллий юриспруденцияга қўшган энг катта илмий-назарий ҳиссаларидан бири шундаки, у ўзининг фундаментал изланишларида, хусусан, давлат экологик сиёсатининг тизими ва таснифига бағишланган ишларида миллий экологик қонунчиликни кодификациялаш зарурлигини илмий жиҳатдан қатъий асослаб берган. Тарқоқ ҳолдаги экологик нормаларни тизимлаштириш ва ягона кодекслаштирилган ҳужжатга келтириш ғояси бугунги кундаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасидаги давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган бўлиб, олимнинг бу борадаги хулосалари ўз даврдан илгарилаб кетган стратегик аҳамиятга эгадир.

“Экологик қонунчиликни бузганлик учун юридик жавобгарлик” монографияси ҳам бугунги кунда табиатга нисбатан тажовузлар ортиб бораётган бир шароитда, жавобгарлик механизмининг кучайтириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган ниҳоятда долзарб, концептуал асар-



дир. Олимнинг илмий дунёқараши фақат экология ҳуқуқи билан чекланиб қолмаган. Унинг “Қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш: миллий ва хорижий тажриба” номли йирик тадқиқоти бевосита мамлакатимизда кечаётган парламентаризм ва норма ижодкорлиги ислохотларининг илмий пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Табиатан ғоят камтарин, меҳнатсевар, ҳалол ва виждонли инсон сифатида ҳамкасблари ҳамда шогирдлари орасида юксак ҳурмат қозонган. Шухрат ака шиддат билан ўзгараётган давримиз билан ҳамқадамдир. Унинг ҳар бир жабҳада ёшларга ўрнак бўла оладиган фазилатлари талайгина. Хусусан, ўз устида тинимсиз ишлаши, мустақил ўрганиш ва изланиш унинг қатъий ҳаётий қондасига айланган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида, устознинг ёши улуг бўлишига қарамай, замонавий илм-фан тили бўлган инглиз тилини мукамал даражада ўрганиб, эркин мулоқот қила олишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айни кунларда ҳам Шухрат Ҳасанович Тошкент давлат юридик университетида сермахсул меҳнат қилиб, тадқиқот маркази раҳбари сифатида таълим даргоҳининг илмий-тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этишга ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда. Унинг фидойилиги ва хоксорлиги, шогирдларга меҳрини кўриб, шоир Муҳаммад Юсуфнинг: “Эй, дўстларим дунёда ортда қолган из яхши” деган сатрлари ёдга тушади.

Мирғолиб НУРМАТОВ,
Жамоат хавфсизлиги академияси кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

НАМАНГАН ГУЛЛАРИ

ФЕСТИВАЛДАН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ САРИ ҚАДАМ

Наманган юртимизнинг энг гўзал ва маданий жихатдан бой ҳудудларидан бири ҳисобланади. Жорий йилда ҳам шаҳар аҳолиси ва меҳмонларини анъанавий 65-ҳалқаро гуллар фестивали каби кенг кўламли тадбир кутмоқда.

Бу нафақат гўзаллик ва гулчилик санъати байрами, балки шаҳар ва вилоят иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришларга туртки бераётган муҳим омилдир. Фестивалнинг энг катта аҳамияти шундаки, у нафақат маҳаллий аҳолини, балки республика ҳудудлари ва хориждан кўплаб меҳмонларни жалб этади. Гуллар экспозициялари, маҳорат дарслари, маърифий ва маданий тадбирлар фестивалга ўзига хос жозиба бағишлаб, ҳудуднинг туристик салоҳиятини сезиларли даражада оширади. Бу эса, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнес учун кўшимча даромад манбаига айланади.

Ҳа, фестивал кунларида маҳаллий гулпарварлар ва кичик тадбиркорлик вакиллари ўз маҳсулотларини махсус ташкил этилган савдо майдонларида намойиш этадилар. Сувенир дўконлари, миллий таомлар савдоси нуқталари, меҳмонхоналар ва маиший хизмат объектлари фаол ишлайди. Кўплаб аҳоли учун фестивалда иштирок этиш кўшимча даромад олиш имкониятини яратади, айрим ҳолларда эса йил давомида бир неча бор шундай имконият юзага келади. Меҳмонлар учун эса гуллар ва маҳаллий маҳсулотлар нафақат эстетик, балки маданий қийматга ҳам эгадир.

Иқтисодий нуқтаи назардан фестивал ҳудуд учун ҳақиқий инвестиция майдонига айланади. Инфра-тузилма, транспорт тизими, туризм хизматлари ривожига ҳамда маҳаллий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали вилоят бюджетига кўшимча тушумлар таъминланади. Фестивал даврида меҳмонхоналар, чакана савдо корхоналари, транспорт хизматлари, кафе ва ресторанлар фаоллиги кескин ошади. Бу эса аҳоли даромадларининг ўсишига ва ҳудуд иқтисодий барқарорлигининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Маданий ва ижтимоий жихатдан ҳам фестивалнинг аҳамияти бекиёс. Гуллар кўргазмалари эстетик завқ бағишлаш билан бирга ёшлар ва oilалар учун таълимий майдон вазифасини ҳам бажаради. Маҳорат дарслари, маърифий тадбирлар, спорт ва

маданий акциялар ёш авлодда табиатга ҳурмат, меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик руҳини шакллантиради. Бу эса аҳолининг маданий савиясини ошириб, жамоат фаоллигини кучайтиради.

Фестивал яқунланганидан сўнг ҳам тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаоллик ошади. Туризм ривожига маҳаллий маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни кучайтиради, бу эса иқтисодий барқарорликни таъминлайди. Натижада нафақат гулпарварлар ва тадбиркорлар, балки аҳолининг барча қатламлари учун янги имкониятлар яратилади.

Бугунги кунда гулчилик соҳа-



сига бўлган эътибор тобора ортиб, у Наманганнинг ўзига хос брендига айланмоқда. Айниқса, гулчилик кластерларининг шаклланиши ва гул етиштиришга ихтисослашган маҳаллалар сонининг ортиши эътиборлидир. Наманган туманидаги “Наврўз” маҳалласи бу борада етакчи ҳудудга айланган бўлиб, у ерда хонадонларнинг 52 фоизи гулчилик билан шуғулланади ва ҳар бир хонадоннинг ўртача йиллик даромади 120–130 миллион сўмни ташкил этади.

Уч йил муқаддам тадбиркор Ойбек Нуриддинов импорт кўчатларни маҳаллийлаштириш орқали янги тур ва навларни яратиш мақсадида 6,8 миллиард сўм инвестиция киритиб, 70 сотих ер майдонида “Хусанбой фирдавс гуллари” гулчилик кластерини ташкил этди. Бугунги кунда ушбу

кластерда гуллар дўкони ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектлари фаолият юритмоқда. Кластернинг ўзида 20 нафар ишчи банд бўлса, кооперация асосида 300 нафардан ортиқ аҳоли иш билан таъминланган.

Жорий йилда 65-ҳалқаро гуллар фестивалини маҳаллалардан бошлаш режалаштирилгани ҳам аҳамиятлидир. Бу ташаббус аллақачон “маҳалла еттилиги” ва бошқа масъул ташкilotлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Вилоят раҳбари Шавкатжон Абдуразақов гулпарварлар билан шахсан учрашиб, уларнинг таклиф ва ғояларини муҳокама қилмоқда. Бу эса фестивални янада ўзига хос ва бетакрор ўтказишга хизмат қилади.

65-ҳалқаро гуллар фестивали — бу нафақат гуллар кўргазмаси, балки Наманганнинг иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаётини акс эттирув-

чи муҳим тадбирдир. Унда иштирок этаётган ҳар бир иштирокчи, тадбиркор ва меҳмон унинг ривожига ўз хиссасини қўшиб, қўшимча даромад манбалари яратишга ва ҳудуд барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фестиваль орқали Наманган нафақат ўзининг табиий гўзаллиги ва маданий бойлигини, балки юксак иқтисодий салоҳиятини ҳам намоён этмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йилда Наманган “энг кўп гул экиб ўтказилган фестиваль” номинацияси бўйича Гиннес рекордлар китобига кириш учун жиддий ҳаракат қилмоқда. Бугунги саъй-ҳаракатлар ушбу мақсадга эришиш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Одилжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

“Дипломингиз бор экан, барака топинг, тажрибангиз ҳам чакки эмас... лекин инглиз ёки рус тилларини қай даражада биласиз?”

ТИЛИМИЗ «ТОРМОЗ» РОЛИНИ ЎЙНАМОҚДА

Бугун давлат ташкилотлари остонасига қадам қўйган ҳар бир мутахассис мана шу “лекин” деган совуқ деворга урилади. Ўз соҳасини ипидан игнасигача биладиган, сочига оқ тушган тажрибали кадрлар ҳамда университетни тугатиб, эндигина карьерасини бошламоқчи бўлган ёшлар бугун хорижий тилни биладиган, аммо соҳадан беҳабар “ёш полвонлар” соясида қолиб кетмоқда. Натижада ғалати бир манзара юзага келди: билими борнинг тили йўқ, тили борнинг билими. Ҳар иккисига эга бўлганлар эса — нур устига аъло нур!

Карьера зинапояси энди интеллектуал салоҳиятга эмас, балки тил сертификатининг неча баллигига қараб ҳаракатланганидан механизмга айланиб қолмадими? Нега бизнинг она тилимиз халқаро лойиҳалар ва стратегик музокаралар олдида “тормоз” ролини ўйнамоқда? Абдулла Авлоний ўз вақтида: “Ўз тилини йўқотган миллат ўзлигини йўқотур”, деб қуюниб ёзган эди. Бугун эса биз тилни ўрганишни “эхтиёж” эмас, балки “мажбурият” даражасига чиқариб қўйдик.

Мажбуриятми ёки эҳтиёж?

Охирги вақтларда хорижий тилни билиш давлат хизматчилари учун “ихтиёрийлик”дан “мажбурият” форматига ўтди. Маошга устама олиш ёки шунчаки ишга кириш учун халқаро сертификатлар талаб қилинмоқда. Аммо бу ерда бир нозик савол туғилади: хорижий тилни давлат ташкилотларида қатъий мажбурият сифатида жорий этиш ўз-ўзидан давлат тилининг нуфузини тушириб юбормайдими? Биз мутахассисдан реал натижа кутяпмизми ёки шунчаки қоғоздаги IELTS ёки CEFR бал-

лини? Агар биз тилни фақат буйруқ ва маъмурий босим билан мажбурласак, у ходим учун “эхтиёж” эмас, балки “оғир юк” бўлиб қолаверади. Мажбурият бор жойда эса ҳар доим сохталик, “сертификат сотиб олиш” ва шунчаки имтиҳондан ўтиш учун ўқиш пойгаси бошланади. Аслида, хорижий тил — бу шунчаки қоғоздаги рақам эмас, балки дунё ахборот океанига очилган дераза бўлиши керак эди. Биз ходимга “тил ўрганмасанг, моддий рағбатдан қуруқ қоласан” деган қўрқувни эмас, “инглиз ёки рус тилини билсанг, глобал тажрибани бошқара оласан” деган ички эҳтиёжни сингдиришимиз зарур.

Халқаро тажрибага назар ташласак, ривожланган давлатларда кадрлар сиёсати тил билиш ва касбий компетенция ўртасидаги мувозанат асосида шаклланишини кўраемиз. Масалан, Германияда давлат хизмати ва саноат соҳаларида ишга қабул қилишда биринчи навбатда мутахассиснинг амалий билим ва тажрибасига эътибор берилади. Кўплаб техник мутахассислар иш жараёнида хорижий тиллардан кенг фойдаланмаслиги мумкин, чунки ички тизим тўлиқ немис тилида юритилади. Халқаро ҳамкорлик зарур бўлган вазиятларда эса таржимонлар ёки махсус тайёрланган кадрлар жалб этилади. Худди шундай ёндашув Японияда ҳам кузатилади. Бу давлатда кўплаб юқори малакали муҳандис ва технологлар инглиз тилини мукамал билмаслиги мумкин, бироқ бу уларнинг касбий самардорлигига таъсир қилмайди. Toyota, Sony каби йирик компанияларда ички иш юритиш асосан япон тилида олиб борилади. Халқаро алоқалар

учун эса алоҳида бўлимлар ёки таржимонлар фаолият юритади. Бу эса мутахассисни баҳолашда тил эмас, балки билим ва тажриба устувор эканини кўрсатади. Жанубий Корея тажрибаси эса янада мувозанатли моделни намоян этади. Бу ерда хорижий тилни билиш рағбатлантирилади, бироқ у барча лавозимлар учун бир хил мажбурий талаб сифатида қўйилмайди. Халқаро ҳамкорлик билан бевосита шуғулланувчи ходимлар учун тил муҳим ҳисобланади, аммо ички бошқарув тизимидаги мутахассислар учун асосий мезон касбий салоҳият бўлиб қолади. Натижада тизимда ҳам малака, ҳам тил кўникмаси ўз ўрнида кадрланади. Европанинг яна бир муҳим давлати Францияда эса давлат тилининг нуфузи алоҳида ҳимоя қилинади.

Бугунги кунда иш излашда малакавий амалиёт ўрнига хорижий тилга устунлик берилиши она тилимизни келажак авлод олдида обрўсизлантириши табиий ҳолдир. Ҳозирги кунда кўплаб давлатлар глобал ахборот маконида ўз тилини сақлаб қолиш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Чунки тил шунчаки мулоқот воситаси эмас, балки миллатнинг интеллектуал мустақиллиги ва стратегик ресурсидир. Айниқса, замонавий ўзбек жамиятида фарзандни хорижий тилларга ихтисослашган хусусий боғча ва мактабларга бериш нафақат эҳтиёж, балки ўзига хос “престиж” белгисига айланди. Ота-оналар фарзандларининг келажакда дунё билан бўйлашишини, нуфузли касб эгаси бўлиб, кўп даромад топишини исташади. Бу интилиш асло ёмон эмас, бироқ психологик кузатувлар бу жараённинг ўта нозик ва хавфли бир томонини очиб бермоқда: пойдевор қўйилмай туриб ўрганилган чет тиллари боланинг она тилида фикрлаш қобилиятини бўғиб қўймоқда.

— Бугунги кунда иш излашда малака ва тажрибадан кўра хорижий тилни билиш устун бўлиб қолаётгани аччиқ ҳақиқатга айланмоқда. Бу ҳолат эса аста-секин она тилимиз нуфузининг пасайишига олиб келмоқда. Шу сабабли кўплаб ота-оналар фарзандларини эрта ёшдан чет тилларига ихтисослашган боғча ва мактабларга беришни “обру” деб билмоқда. Уларнинг бу қарори кўпинча ўз ҳаётини тажрибасига бориб тақалади — тил билмагани учун

имкониятлардан четда қолганини фарзандлари бошдан кечирмаслигини исташади. Бироқ бу жараённинг эътибордан четда қолаётган хавфли жиҳати бор: она тилида мустақам пойдевор шаклланмасдан туриб ўрганилган чет тиллари боланинг фикрлаш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада болаларда бир нечта тилни аралаштириб гапириш, фикрни аниқ ва теран ифода эта олмаслик ҳолатлари пайдо бўлади. Бу эса уларнинг тафаккурини юзақилантиради. Энг хавотирли томони шундаки, бу ҳолат жамият миқёсида она тилининг қадрсизланишига олиб келиши мумкин. Агар ёш авлод ўз тилида равон ва чуқур фикрлай олмаса, тил фақат кундалик мулоқот воситасига айланиб қолади. Шу боис, хорижий тилларни ўрганиш билан бирга, аввало она тилида мустақам фикрлаш асосини шакллантириш муҳимдир. Зеро, агар шу каби ёндашув мамлакатнинг ички иш юритиш тизимида ҳам устувор бўлиб қолса, келажакда она тилимизнинг қадрсизланишига ҳам олиб келиши мумкин, — дейди Тошкент амалий фанлар университети профессори Муяссар Аҳмедова.

Юқорида келтирилган фикрларга таяниб давлат тилига муносабат нафақат маданий, балки ижтимоий ва сиёсий муаммо сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда деб айтишимиз мумкин. Глобаллашув шароитида чет тилларини билиш албатта зарур, аммо бу жараён она тилимизнинг мавқеини пасайтириб, унинг ҳаётини ва илмий майдондаги нуфузини сусайтирмаслиги лозим. Ҳозирги вазиятда хорижий тилни билиш кўпинча профессионал малака мезонидан кўра имтиёз сифатида кўрилмоқда. Натижада, тажриба ва чуқур билимга эга бўлган мутахассислар чет тилининг устунлиги эвазига ортда қолиши мумкин. Бу эса нафақат давлат тилининг амалий қўлланиш доирасини торайтиради, балки миллий тафаккур ва илмий фикрлашни ҳам заифлаштиради. Агар бу тенденция давом этса, ўзбек тили расмий ва илмий майдондан чиқиб кетиб, фақат кундалик мулоқот воситасига айланиб қолиши мумкин. Масаланинг энг хавфли томони шундаки, тил мавқеи пасайган сари миллий ўзлик, тарихий хотира ва маданий мерос ҳам заифлашади.

Назим БҶУРОНОВ,
журналист

